



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БУТУНХИТОЙ ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ КЕНГАШИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 май куни Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси раисининг ўринбосари, бош котиби Ван Чэн раҳбарлигидаги Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши делегациясини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, Ўзбекистон билан Хитой ўртасида ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда парламентларо ҳамкорлик муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлади.

Сухбат чоғида Президентимизнинг яқинда Хитой Халқ Республикасига олий даражадаги таширифи давомида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция ва маданий-гуманитар соҳаларда эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Худудларо ҳамкорлигини ривожлантириш, чунонки, савдо, инвестициявий ва маданий алоқаларни жадаллаштириш, шунингдек, биродарлашган қадимий Самарқанд ва Сиань, Бухоро ва Лоян шаҳарлари ўртасида сайёҳлар алмашишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси раисининг ўринбосари, бош котиби Ван Чэн 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган чуқур таркибий ислохотларни юқори баҳолади.

Ван Чэн Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги стратегик шериклигини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга қаратилган аниқ дастур ва лойиҳаларни илгари суриш мақсадида икки мамлакат парламентлари ора кенг кўламли ҳамкорликка Хитой томонидан манфаатдорлиги ва тайёрлигини таъкидлади.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САУДИЯ АРАБИСТОНИГА ТАШРИФ БУЮРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауднинг таклифига биноан 2017 йил 21 май куни Ар-Риёд шаҳрида бўладиган араб-мусулмон мамлакатлари ва АҚШ саммитида иштирок этади.

Давлатимиз раҳбарининг Саудия Арабистонига ташрифи доирасида қатор икки томонлама учрашувлар ўтказилиши режалаштирилган.

МАЪРИФИЙ ИСЛОМНИНГ ҲАҚИҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИ ҚАТЪИЙ ИЛГАРИ СУРИШ ЙЎЛИДА

Хабар қилинганидек, 21 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауднинг таклифига биноан араб-мусулмон мамлакатлари ва АҚШ саммитида иштирок этади. Тадбир Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёд шаҳрида бўлиб ўтади.

Юқори даражадаги ушбу форум экстремизм ҳамда терроризмга қарши кураш, бағрикенглик ва бирга яшаш қадриятларини илгари суриш ҳамда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш бўйича ислом дунёси ҳамда АҚШ ўртасида янги шериклиқни ўрнатишнинг йўлларини муҳокама қилиш мақсадида ташкил этилмоқда.

Саммитга Ислам ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ)га аъзо мамлакатлар, АҚШ, БМТ, ИХТ, Араб давлатлари лигаси, Форс кўрфазини араб давлатлари ҳамкорлик кенгашининг бош котиблари таклиф этилган.

ЎЗА

(Давоми 2-бетда)



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ЛОЙИҲА

Ўзбекистон тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш марказининг Тошкент шаҳар филиали ўз фаолиятини бошлаётган тадбиркорларнинг бизнес кўникмаларини оширишга қаратилган янги лойиҳани амалга оширишга тайёргарлик кўрмоқда.

Мамлакатимизда тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича самарали тизим шакллантирилган. Хусусан, Президентимизнинг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги

Фармони хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва бу борада қўлай шароитлар яратишга хизмат қилмоқда.

Бу ўз бизнесини ташкил қилишни режалаштирган ишбилармонларни соҳага янада кенг жалб қилиш имконини бераётди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА ҚЎШМА БАЁНОТИ

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 11-13 май кунлари давлат таширифи билан Хитой Халқ Республикасида бўлди.

Икки давлат раҳбарлари илқ ва дўстона муҳитда музокаралар ўтказдилар, дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан сўнг ўтган 25 йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси (кейинги ўринларда – "Томонлар") ўртасида ҳамкорликда эришилган муҳим ютуқларга юқори баҳо бердилар, икки томонлама муносабатлар ҳамда бир-бирларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий масалалар бўйича атрафчилик фикр алмашдилар, улар юзасидан кенг консенсусга эришдилар.

Томонлар Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида 2013 йил 9 сентябрда имзоланган Шартнома ва Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида 2016 йил 22 июнда имзоланган Қўшма баёнотга, шунингдек, бошқа икки томонлама шартнома ва битимларга, сиёсий ишонч ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга, умумий тараққиёт, юксалиш ва миллий тикланишга эришиш учун биргаликда изчил сўй-ҳаракат қилишга яна бир бор ўзаро содиқликларини эътироф этадилар ҳамда қуйдагиларни баён қиладилар:

I бўлим

Томонлар ўзаро ишонч, ҳамкорлик ва манфаатдорликка асосланган ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини чуқурлаштириш ниятлари тўғрисида яқдидлик билан баён этидилар. Томонлар ўзаро сиёсий ишонч Ўзбекистон – Хитой ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларининг муҳим асоси эканлигини қайд этидилар. Томонлар давлат суверенитети, хавфсизлик ва ҳудудий яхлитлик каби икки мамлакат халқлари тўб манфаатлари билан боғлиқ масалалар бўйича бир-бирларини қўллаб-қувватлашни давом эттирадилар.

Томонлар ўз ҳудудларида учинчи давлатлар ёки ҳар қандай ташкилотлар ёҳуд гуруҳларнинг бошқа Томон давлат суверенитетини, хавфсизлигини ҳамда ҳудудий яхлитлигига пулур етказадиган фаолият олиб боришнинг йўли қўймайдилар.

Томонлар халқаро масалаларда ва икки томонлама муносабатларда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига қатъий риоя қилишларини, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро аниқлашув ва бир-бирларининг манфаатларини ҳисобга олиш принциплари асосида ҳамкорлиқни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришларини баён қиладилар.

Хитой томони Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришилганидан сўнг ўтган 26 йил мобайнида ривожланишдаги улкан муваффақиятларини юқори баҳолайди, Ўзбекистоннинг ўз ички шарт-шароитларига биноан мустақил танлаган тараққиёт йўлини қатъий қўллаб-қувватлайди, шунингдек, Ўзбекистон ҳуқумати томонидан ички барқарорлиқни таъминлаш ва турғун ижтимоий-иқтисодий тараққиётни илгари суриш учун олиб борилаётган барча сўй-ҳаракатларни қатъий қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон томони "ягона Хитой" сиёсати олиб борилишини қатъий қўллаб-қувватлайди, Хитой Халқ Республикаси ҳуқумати бутун Хитойни ифодаловчи ягона қонуний ҳукуматлигини, Тайвань ва Тибет эса Хитой ҳудудининг ажралмас қисми эканлигини яна бир бор баён қилади. Ўзбекистон томони ҳар қандай шаклдаги "Тайвань мустақиллиги"га қарши чиқади, Тайвань бўғози икки томони ўртасидаги муносабатларнинг тинч ривожланиши ҳамда мамлакатни тинч йўл билан бирлаштириш мақсадида Хитой ҳукумати томонидан олиб борилаётган барча сўй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди.

Томонлар амалий ҳамкорлик Ўзбекистон – Хитой ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларининг муҳим таркибий қисми ҳисобланганини заруратини қайд этадилар.

Томонлар амалдаги икки томонлама ҳужжатларни ва биргаликда келишилган лойиҳаларни ҳар томонлама кенг қўламада татбиқ қилишни, "Бир макон, бир йўл" доирасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техникавий, транспорт-коммуникациявий ва қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда, шунингдек, саноат паркларини яратишда ва бошқа устувор йўналишларда ҳамкорлиқни чуқурлаштиришни давом эттирадилар.

Томонлар ўзаро савдодаги мавжуд кенг имкониятлар ва салоҳиятдан тўлақонли фойдаланиш заруратини қайд этидилар ҳамда ўзаро савдо ҳажминини янада ошириб боришларини билдирдилар. Ўзбекистон томони ўзаро манфаатдорлик асосида, шунингдек, ўзқўшмада савдо тўғрисида 2009 йил 14 октябрда имзоланган Битимини амалга ошириш доирасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини, табиий ресурслар ва энергетикани каби товарларни Хитой Халқ Республикасига етказиб беришга тайёргарлигини билдирди.

Томонлар 2016 йилнинг июнь ойида Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистон Республикасига давлат таширифи мобайнида эришилган келишувларни изчил амалга оширишни давом эттирадилар.

Томонлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан Хитой Халқ Республикаси Тижорат вазирлиги ўртасида инвестициявий ҳамкорлик тўғрисида Англашув меморандуми доирасида энергетика, гидроэнергетика, кимё тўғрисида, ирригация ва мелiorация, қурилиш материаллари саноати соҳаларида ҳамда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича истиқболли инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришда Хитой Экспорт-импорт банки ва Хитой давлат тараққиёт банки иштирокини қўллаб-қувватлайдилар.

Томонлар иқтисодий-техникавий ҳамкорлиқни мустаҳкамлашни, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, таълим, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маданият ва туризмни ривожлантириш ва бошқа соҳаларда лойиҳаларни амалга оширишни давом эттиришга келишиб олдилар.

Томонлар инфратузилма, кичик ва ўрта гидроэлектростанцияларни қуриш соҳаларида ҳамкорлиқни чуқурлаштирадилар.

Хитой томони саноатни технология модернизация ва диверсификация қилиш бўйича Ўзбекистон томони амалга ошираётган фаол сиёсатни қўллаб-қувватлашни билдирди.

Ўзбекистон томони Ўзбекистон Республикасида Хитойнинг етакчи компанияларини иштирокида қўшма инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш ва қўмаклашишга тайёргарлигини эътироф этди.

Томонлар Хомашё билан боғлиқ бўлмаган ва юқори технологияли соҳаларда ҳамкорлик қилиш дастури қоидаларини амалда татбиқ қилиш доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, энг аввало, "Жиззах" эркин иқтисодий зонасида тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича юқори технологияли қўшма корхоналар яратиш орқали инвестициявий ҳамкорлиқни ривожлантиришга келишиб олдилар.

Томонлар инвестициявий иқлимни такомиллаштириш, инвестицияларни қабул қилувчи давлат қонунчилигига мувофиқ хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун сўй-ҳаракатларни амалга оширадилар.

Томонлар ишлаб чиқариш тузилмаларини биргаликда трансформация ва модернизация қилиш мақсадида замонавий юқори технологияли ва экологик тоза ишлаб чиқаришлар ва асбоб-ускуналар бўйича ҳамкорлиқни ривожлантиришнинг муҳимлигини қайд этидилар.

Хитой томони Ўзбекистонда эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини яратишни қўллаб-қувватлайди ҳамда улар ҳудудида, энг аввало, маҳаллий минерал ва хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшилган қий-матли маҳсулотларни тайёрлаш бўйича қўшма ишлаб чиқаришларни ташкил қилишга Хитой корхоналарини рағбатлантирадиган.

Томонлар транспорт соҳасида минтақавий ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ҳамда иккала мамлакатни бирлаштирадиган темир йўл, автомобиль йўллари ва ҳаво транспорти йўлакларини илгари суриш бўйича сўй-ҳаракатларни давом эттиришнинг муҳим аҳамиятини таъкидладилар.

Томонлар ушбу таширифи давомида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида Халқаро автомобиль катнови тўғрисида битимнинг имзоланишини олқийлашдилар. Мазкур Битимни амалга ошириш ва миллий ташувчилар фаолияти ҳамда мавжуд транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш икки давлат ўртасидаги ташқи савдо алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга қўмаклашадилар.

Томонлар Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикасини бирлаштирадиган самарали темир йўл йўналишлари яратиш ҳамда "Ўзбекистон – Қирғизистон – Хитой" темир йўл қурилиш лойиҳаси бўйича маслаҳатлашувларни жадаллаштириш заруратини қайд этидилар.

Томонлар Ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Хитой ҳукуматлари ора келиш ва унинг кичик қўмиталарининг икки томонлама амалий ҳамкорлиқни чуқурлаштиришдаги муво-фиқлаштирувчи ва рағбатлантирувчи ролини юқори баҳолайдилар ҳамда уларнинг йиғилишларини мунтазам ўтказиб бориш давом эттиришга келишиб олдилар.

Томонлар "уч ёвуз қўш" наркотиқларнинг ноқонуний муомаласи, кибержиноятчилик ва трансчегаравий уюшган жиноятчилик икки мамлакат ҳамда минтақанинг хавфсизлиги ва барқарорлигига жиддий таҳдид ҳисобланганини яқдидлик билан эътироф этадилар. Мазкур таҳдидларга қарши курашиш учун Томонлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик соҳаларида ҳамкорлик, мутасадди идоралар ўртасида алоқаларни кенгайтирадилар.

Томонлар икки мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва хавфсизлик хизматларининг қўшма антитеррор тренинглари ўтказишни давом эттирадилар, барқарорлиқни сақлаш ва фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш мақсадида қўшма фаолиятлари салоҳиятини ошириб борадилар.

Томонлар табиий хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф қилиш соҳасида ҳамкорлиқни ривожлантирадилар, шунингдек, ушбу соҳага янги ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишга қўмаклашадилар.

Томонлар икки мамлакат муҳофаза идоралари ҳамкорлиги натижаларини ижобий баҳолайдилар, барча даражаларда алоқаларни мустаҳкамлашда давом этадилар, яқин ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлиқни қўллаб-қувватлайдилар.

IV бўлим

Ўзбекистон ва Хитой Ипак йўлидаги қадимий цивилизацияларга эга мамлакатлар ҳисобланган ҳолда, унинг руҳи-

ни ривожлантириш учун ҳамжихатликда сўй-ҳаракатларини амалга оширадилар, Ўзбекистон ва Хитой цивилизациялари медалари икки мамлакат халқларига янада кўпроқ фойда келтириши учун гуманитар алмашинуви чуқурлаштирадилар, маданий меросни асраш бўйича ҳамкорлиқни мустаҳкамлайдилар ҳамда маданий анъаналар ва инновацияларни қўллаб-қувватлайдилар ва сақлаб қоладилар.

Томонлар маданият, таълим, фан, спорт, туризм каби соҳаларда ҳамкорлиқни кенгайтиришни давом эттирадилар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари, илмий муассасалар, дўстлик жамятлари, бадий жамоалар ўртасида дўстона алмашинуви мустаҳкамлайдилар, Конфуций институтининг Ўзбекистондаги филиали фаолиятини биргаликда бошқарадилар.

Томонлар қадимий Хива шаҳридаги меъморий ёдгорликларни реставрация қилиш ва қайта тиклаш ишларини юқори баҳоладилар ҳамда археология, маданий бойлиқларини асраш ва реставрация қилиш, шунингдек, мутахассисларни касбий тайёрлаш соҳаларида ҳамкорлиқни ривожлантиришда давом этадилар.

Томонлар туризм соҳасида икки томонлама ҳамкорлик салоҳиятини тўлақонли амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан Хитой Халқ Республикаси Туризм ишлари бўйича давлат бошқармаси ўртасида алмашинув ва ҳамкорлиқни қўллаб-қувватлаш, Томонларнинг туристик корхоналарини ўзаро туристлар алмашинувини оширишга рағбатлантириш ниятидлар.

V бўлим

Томонлар икки мамлакат минтақалари ва биродар шаҳарлари ўртасида алмашинув ва ҳамкорлиқни ривожлантирадилар, Ўзбекистон Республикасининг Бухоро вилояти Бухоро шаҳри билан Хитой Халқ Республикасининг Хэнань провинцияси Лоян шаҳри ўртасида биродарлик алоқаларини ўрнатилиши ва ривожланишини олқийлашдилар.

VI бўлим

Томонлар халқаро масалалар бўйича ўзаро қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш икки мамлакат ўртасидаги стратегик ишончнинг юқори даражасини намоён этишини таъкидладилар.

Томонлар БМТ ва ШХТ каби кўп томонлама тузилмалар доирасида бир-бирларини қўллаб-қувватлаш ва ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, муҳим халқаро ва минтақавий масалалар бўйича ўз вақтида фикр алмашиш, позицияларни мувофиқлаштириш, глобал ва минтақавий таҳдидларга қарши биргаликда ҳаракат қилишни давом эттирадилар.

Томонлар Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни қўллаб-қувватлаш минтақа мамлакатлари ва умуман бутун дунё учун муҳим аҳамият касб этишини яқдидлик билан эътироф этадилар. Халқаро ҳам-жамят Марказий Осиё минтақасининг тарихий-маданий анъаналарини тўлиқ ҳурмат қилиш, биргаликда минтақанинг ривожланиши ва тараққиёт этишига ҳисса қўишни лозим. Томонлар Марказий Осиё масалалари бўйича уавий мувофиқлашуви қўллаб-қувватлашга, минтақада Ўзбекистон ва Хитой манфаатларини ҳамжихатликда ҳимоя қилишга тайёрдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпинга Ўзбекистон делегациясига кўрсатилган самимий дўстона қабул учун миннатдорлик билдирди ҳамда ХХР Раиси Си Цзиньпинни иккала томон учун қўлай бўлган вақтда Ўзбекистонда давлат таширифи билан бўлишга таклиф қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат МИРЗИЁЕВ

Хитой Халқ Республикаси Раиси
Си Цзиньпин

Пекин, 2017 йил 12 май

МАЪРИФИЙ ИСЛОМНИНГ ҲАҚИҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИ ҚАТЪИЙ ИЛГАРИ СУРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Юқори даражадаги мазкур учрашув чоғида Саудия Арабистони Подшоҳи, АҚШ Президенти, бошқа давлатлар етакчилари, жумладан, Ўзбекистон раҳбарининг нутқ сўзлаши кутилмоқда.

Тадбир доирасида саммит қатнашчиларининг Экстремистик мафкура билан курашиш бўйича халқаро марказ курилатгани жойга бориши ва унинг пойдеворига биринчи ғишт қўйилиши ҳам кўзда тутилмоқда.

Эслатиб ўтамиз: республикаимиз ҳозирги пайтда Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташкилот ишлари вазирлари кенгашига раислик қилмоқда. Ўтган йил 18-19 октябрь кунлари Тошкентда Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташкилот ишлари вазирлари кенгашининг 43-сессияси бўлиб ўтган эди. Таълим ва маърифат — тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл мавзуси мазкур сессия кун тартибининг асосий ғояси этиб бел-

гиланган ҳамда ушбу мавзу Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан дунё халқлари, ўз халқи тақдири, бугунги мураккаб шароитда муқаддас динимизнинг аҳамияти ҳақидаги чуқур мулоҳазалар натижаси сифатида тақлиф этилган эди.

Ўшанда Шавкат Мирзиёев мазкур кенгаш 43-сессияси иштирокчиларининг олдида нутқ сўзлар экан, айнан маърифат ва таълим башарият фаровонлигининг асосий омилларидан ҳисобланишини, инсонларни эзгуликка даъват қилишни, саховатли, сабр-қаноатли бўлишга ундашини қайд этган эди. Муқаддас ислом динимиз бизга айнан шунини ўргатади. Ўзбекистон раҳбари таъкидлаганидек, бундай ёндашув — давр талаби.

Шуни қайд этиш жоизки, давлат арбоблари, экспертлар, дин уламолари хорижда Ўзбекистонни маърифий ислом, динлараро сабр-тоқатлилик, миллатлараро ҳамжи-

ҳатлик намунаси деб аташади. Масалан, яқинда мамлакатимизга ташриф чоғида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Хусайн турли конфессия ҳамда маданий марказлар вакиллари билан учрашган эди. Юксак мартабали комиссар бу ташкилотларнинг миллатлараро муносабатлар ва уйғунлиқни рағбатлантириш ҳамда мамлакатда амалга ошириладиган ислохотларнинг ҳаётийлигини таъминлашдаги аҳамиятини алоҳида қайд этган эди.

Шу билан бирга, БМТ Олий комиссари томонидан жорий йилда қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик масаласи махсус бандларда ўз ифодасини топпани таъкидлаб ўтилди.

Дарҳақиқат, юқорида қайд этилган сифатлар олиҳиммат халқимиз-

нинг қон-қонига сингиб кетган, унинг буюк фарзандлари нафақат ислом тараққиётига, балки бутун инсоният цивилизацияси ривожига бебаҳо хисса қўшган. Мусулмон дунёсида Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Исо Термизий, Ҳаким Термизий, Баҳроуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрори Валий, Абу Мансур Мотуридий сингари буюк сиймоларнинг табаррук номлари эҳтиром билан тилга олинади.

Ислом оламида пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари тўпламининг ишончли манбаи сифатида эътироф этилган "Ал-жомеъ ас-сахих" тўплами "Барча муҳаддислар устози" бўлмиш Имом Бухорийнинг кўп йиллик фидокорона изланишлари самарасидир. Дунё мусулмонлари бу табаррук зот туғилган Бухорои шарифга боришга ҳамда унинг Самарқанддаги қабрини зиёрат қилишга интилади.

"Жаҳон" АА

ВАН ЧЭН:

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ЯНАДА УЛКАН ЮТУҚЛАРГА ЭРИШАМИЗ

Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтарилган. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик иқтисодиёт, савдо, sanoat, транспорт, қурилиш, илм-фан, таълим, маданият каби соҳаларни қамраб олган.

Мамлакатимизда бўлиб турган Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси раисининг ўринбосари, бош қотиби Ван Чэн ташриф доирасидаги учрашувлар ҳақида ўз фикрларини баён этди:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 11-13 май кунлари Хитойга давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ривожига янги саҳифа очди. Ташриф натижасида қиймати 23 миллиард доллардан ортиқ бўлган 100 дан зиёд ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Президентининг Пекин шаҳрида бўлиб ўтган "Бир макон, бир йўл" форумидаги иштироки халқаро анжуман муваффақиятига катта хисса қўшди.

Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашувдан хурсандман. Ўзбекистон раҳбарининг Хитойга давлат ташрифи чоғида эришилган келишувлар амалга оширила бошланди. Учрашувда ушбу жараён билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашдик. Келишувларни амалга оширишдан томонлар бирдек манфаатдор экани, бунинг учун зарур чора-тадбирлар ишга солинаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон билан ҳамкорликда савдо, иқтисодиёт, транспорт, гидроэнергетика ва бошқа соҳаларда янада улкан ютуқларни қўлга киритамиз, буюк Ипак йўлини тиклашга эришамиз, деб ишонамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқига тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт тилайман.

ЎЗА

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ЛОЙИҲА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон тадбиркорлик ва фермерлиқни қўллаб-қувватлаш марказининг Тошкент шаҳар филиали Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Чилонзор тумани кенгаши, шунингдек, "Yaran Consulting & Audit", "New Realtor" компаниялари ва "Маҳорат сабоқлари" ўқув маркази билан ҳамкорликда ишлаб чиққан "Ривожланиш" лойиҳаси ўз иштини йўлга қўяётган тадбиркорларнинг билимини оширишга қаратилган.

Лойиҳанинг асосий мақсади янги тадбиркорларнинг молиявий ва ҳуқуқий соҳага оид билимини бойитиш, ходимларни бошқариш, маркетинг ва шахснинг ривожланишига оид амалий тавсиялар беришдан иборат.

— Бугунги кунда муваффақиятга эришиш учун барча ишларни тез бажариш, фуқароларга бизнес соҳасида маълумотлар беришга кўпроқ эътибор қаратиш зарур, — дейди "Ривожланиш" лойиҳасининг мувофиқлаштирувчиси Евгения Сон. — Кичик бизнес — бу янги иш ўринлари яратиш, япйи ички маҳсулотни,

солиқлар тушумини кўпайтириш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилаш демекдир.

Лойиҳа доирасида фаолиятнинг дастлабки йилида оёққа туриб олишга бағишланган туркум маҳорат сабоқлари ўтказилди. Халқаро статистика маълумотларига кўра, бизнес тузилмаларнинг 40 фоизи иш бошлаган дастлабки йилда, 20 фоизи иккинчи ва 10 фоизи учинчи йилда тугатилмоқда. Шу боис ўз иштини йўлга қўяётган тадбиркорларга одатий хатоларни такорламасликни ўргатиш лойиҳада кўзда тутилган муҳим вазифалардан биридир. Бу борада тадбиркорлар билан машғул ўтиш учун турли компания раҳбарлари ва соҳалар экспертлари тақлиф этилган. Улар бошқарувга оид тажрибаси билан ўртоқлашиб, ўз муваффақияти ва омадсизликлари, мақсадга эришиш йўллари ҳақида сўзлаб беради.

Лойиҳа доирасида иштирокчилар нафақат бир-бири билан танишиши, балки келажада бизнес-ҳамкор бўлиши, биргаликда ишлаш учун жамоа тузиши ҳам мумкин.

ЎЗА



Тошкент шаҳрида улуг туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули номидаги кўча ва унга бағишланган меъморий ёдгорлик очилди.

ХАЛҚЛАРИМИЗ ДЎСТЛИГИНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Адабиёт дилларни дилларга, элларни элларга боғлайди. Азалдан бир дарёдан сув ичиб, қўни-қўшни бўлиб яшаб келаётган ўзбек ва туркман халқларининг қалблари муштарак — тили ва урф-одатлари яқин, маданияти уйғун, адабиёти ва санъати ҳамоҳанг. Туркман халқи Алишер Навоий ғазалларини севиб ўқиганидек, ўзбеклар ҳам Махтумқулини ўз шоиридек ардоқлайди.

Бу жиҳатлар 18 май куни пойтахтимизда машҳур туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули номидаги кўча ва унга бағишланган меъморий ёдгорлик очилишига бағишланган маросимда ҳам яна бир карра ўз исботини топди. Тадбирда мамлакатимиздаги давлат ва жамоат ташкилотлари, турли миллий маданият марказлари вакиллари, шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар, санъаткорлар, талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон маданият вазири М.Муродов, Ўзбекистон уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Туркманистон Республикасининг мамлакатимиздаги Муваққат ишлари вакили О.Хуммиев ва бошқалар ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги азалий дўстлик, аҳилиқ, қалб ва маданият яқинлиги мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ривожига асос бўлаётганини, Махтумқулининг икки халқ дўстлигини мустаҳкамлашдаги хизматлари беқиёс эканини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 6-7 март кунлари Туркманистонга давлат ташрифи Ўзбекистон ташқи сиёсатда яхши қўшничилик муносабатларига алоҳида аҳамият қаратаётганининг яққол исботи бўлди.

Мазкур ташриф давомида Амударёда қурилган Туркманобод-Фараб автомобиль ва темир йўл кўприклари, ушбу шаҳарда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов номидаги марказий кўча ва ёдгорлик мажмуаси очилган эди.

Ташриф арафасида пойтахтимиздаги энг кўркам ва гўзал кўчалардан бирига Махтумқули номи берилди. Шавкат Мирзиёев Туркманистонда Гурбангули Бердимухамедовга Махтумқулининг ўзбек тилида чоп этилган "Элинг-га бахш айла" китобини совға қилди. Буларнинг барчаси мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик яхши қўшничилик ва қардошлиқ таъминоти асосида ривожланиб бораётганини ёрқин намойён этди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Туркманистон Президентини Гурбангули Бердимухамедовнинг тақдирига биноан шу йилнинг 19-20

май кунлари амалий ташриф билан Туркманистонда бўлиши мазкур олий даражадаги мулоқотнинг мантиқий давомидир. Ушбу ташриф олдида Тошкент шаҳрида атоқли туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули номидаги кўча ва унга бағишланган меъморий ёдгорлик очилиши Ўзбекистоннинг қардош ва биродар туркман халқига юксак ҳурмат ва эътиборининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Монументал ёдгорлик муаллифи — хоразмлик ёш ҳайкалтарош Жасванд Анназаров.

— Махтумқулининг Хивадаги Шерғозихон мадрасасида тахсил олгани, буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийни ўзига устоз билгани халқларимиз ўртасидаги абадий дўстлиқнинг ажойиб намунасидир, — дейди ЎЗА муҳбирига Тошкент шаҳар туркман миллий маданият маркази раисининг ўринбосари Бибинора Ражапова. — Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1996 йил 28 ноябрда Махтумқули бобомиз бир пайтлар ўқиб вояга етган шаҳар — Хивада унга мухташам ҳайкал ўрнатилган эди. Мана, бугун азим пойтахтимиз марказидаги кўчага Махтумқулининг номи берилиши ва ул зотнинг ёдгорлиги қад рўстлагани ўзбек ва туркман халқлари дўстлиги янги, янада юксак даражага кўтарилаётганини аниқлади.

— 2014 йили мамлакатимизда ҳам Махтумқули таваллудининг 290 йиллиги кенг нишонланган, ўзбек мактабларида шоир ижоди кенг ўрганилмоқда, олимларимиз тадқиқотлар олиб бормоқда, — дейди адабиётшунос олим, Махтумқули асарлари таржумони Эргаш Очилов. — Шоир асарлари кириб бормаган ўзбек хонадонни кам, тўй-тадбирларимиз Махтумқули қўшиқларисиз ўтмайди. Бугун улуг туркман шоирига шундай олий даражада ҳурмат-эътибор кўрсатилаётгани халқларимиз ўртасидаги алоқалар изчил ривожланаётганининг амалий ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси халқ шоири Сирожиддин Саййид ўзбек ва туркман халқларининг дўстлиги тараннум этилган "Ўзбек-туркман манзумаси" шеърини ўқиб берди.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети талабалари Махтумқули шеърларидан намуналар ўқиди, шоир шеърлари билан айтилган қўшиқлар ижро этилди.

Махтумқули ёдгорлиги пойи гулларга бурканди.

Умид ЁКУБОВ



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллигига бағишлаб Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманида "Биз — буюк юрт фарзандларимиз" шиори остида ёшлар фестивали ташкил этилди. "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий Кенгаши томонидан ўтказилган фестивалда таълимий шоир ва ёзувчилар, олимлар, сиёсатчилар, санъат намояндалари, ёшлар иштирок этди.

● Жиззах тиббиёт коллежи ахборот-ресурс марказида Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида" — ги фармойиши ижроси доирасида китобхонликни тарғиб қилишга бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Жиззах вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда партия фаоллари, турли жамоат ташкилотлари вакиллари, ёшлар иштирок этди.

● Наманганда касб-хунар коллежлари битирувчилари учун ўтказилган меҳнат ярмаркасида 125 тадбиркорлик субъекти томонидан 700 дан зиёд бўш иш ўрни тақдим этилди. Ярмаркада кўплаб ёшларга ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.

● Гулистонда Сирдарё вилоятидаги умумтаълим мактаблари ҳамда касб-хунар коллежларида тахсил олаётган профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаган ўқувчилар ўртасида мини-футбол бўйича мусобақа ўтказилди. Вилоят прокуратураси, ички ишлар, жисмоний тарбия ва спорт ишлари бошқармалари ҳамда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада 12 жамоа ўзаро баҳслашди.

● Урганч шаҳридаги Жалолиддин Мангуберди номидаги маҳаллада Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти ҳамда Урганч шаҳар судлари томонидан "Фирибгарлик билан боғлиқ жиноятлар ва уларнинг олдини олишда эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолатлар" мавзусида маҳалла фаоллари ва ёшлар билан давра суҳбати ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Хитойда робототехника саммити очилди. Икки кун давом этадиган нуфузли халқаро анжуманда соҳадаги энг сўнгги янгиликлар намойиш этилмоқда.

● Ҳиндистон ёнилғи билан ишлайдиган двигателли автомобиллардан тўлиқ воз кечиб, электрокарлардан фойдаланишга ўтмоқчи. Ҳукумат вакилининг таъкидлашича, 2030 йилга бориб мамлакатда бензин ёки дизель ёқилғисида ишлайдиган бирорта машина сотилмайди. Мутахассислар ҳукуматнинг бундай қарорини ҳавонинг ифлосланиш даражасини пасайтиришга бўлган уриниш сифатида баҳолашмоқда. Германия ҳам 2030 йилга бориб ёнилғи билан ишлайдиган двигателли машиналардан тўлиқ воз кечишни режалаштирмоқда.

● Қуёш батареялари, шамол тегирмони ҳамда биомасса ва чиқиндилар каби қайта тикланувчи энергия манбаларини ишлаб чиқариш ва фойдаланиш кейинги ўн йилликда энг юқори кўрсаткичга етди ва у дунё бўйича ишлаб чиқарилаётган жами энергия микдорининг 11 фоизини ташкил қилмоқда. Бунинг натижасида атроф-муҳитга икки гига тонна микдорда зарарли газлар чиқарилишининг олди олинди.

ЮТУҚЛАР ОМИЛИ – ҲАМКОРЛИҚДА



Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалиётга татбиқ этишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва вазибаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда фуқаролик жамияти институтлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда журналистлар қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди директори А.Тўраев ва бошқаруви 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини барча жабҳаларда амалиётга татбиқ этиш давлат бошқаруви органлари қаторида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тубдан такомиллаштириб, уларнинг бевосита иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда фаоллигини оширишга қулай имкониятлар яратишини таъкидлади. Бунда Хотин-қизлар кўмитаси, фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга.

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурида хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва муаммоларини ҳал этишга катта эътибор қаратилган. Бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси зиммасига ҳам муайян вазибалар юкланган. Мазкур ҳужжат ижроси бўйича аҳоли билан кундалик мулоқот ўрнатиш тизими йўлга қўйилган. Жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ва маънавий муҳит ўрганилиб, мавжуд муаммолар ҳал этилмоқда.

Ҳаракатлар стратегияси мазмун-моҳиятини ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш аҳоли ва ёшлар билан яқиндан мулоқот қилиш, уларнинг қувончу ташвишларига шерик бўлишга кенг йўл очди, мавжуд муаммоларини ечишга имкон яратди, – дейди ЎЗА муҳбирига “Шарқ аёли” халқаро аёллар жамоат фонди раҳбари ўринбосари Ш.Орипова. – Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилалардаги муаммоларни ўрганиш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш, ёшлар, айниқса, қизлар тарбияси каби қатор масалалардаги ҳамкорлиқни изчил давом эттириш мўлжалланган эзгу ишларни амалга оширишда катта роль ўйнайди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Т.Норбоева сўзга чиқди.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро суди томонидан ҳуқуқий ёрдамга муҳтож бўлган ва бундай ёрдамни олишга иқтисодий жиҳатдан имконияти йўқ шахсларнинг айрим тоифалари, хусусан оилавий низолар иштирокчиларига ҳуқуқий кўмак бериш мақсадида “Оилавий низолар бўйича даъво ариза намуналари” деб номланган қўлланма ўзбек ва рус тилида ишлаб чиқилди.



ҲУҚУҚИЙ КЎМАК БЕРУВЧИ ҚЎЛЛАНМА

Мазкур қўлланманинг тақдими Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ўтказилди. Тадбирда соҳа мутахассислари билан бир қаторда Мирзо Улуғбек туманидаги 54 та маҳалла раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, фаоллар, туман имом хатиби ва ОАВ вакиллари қатнашди.

Мамлакатимизда оила, болалар ва аёллар ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг эркинликлари, қонуний манфаатларини амалга ошириш орқали жамиятимиздаги ҳар бир хонадоннинг ободлиги ҳамда фаровонлигига эришиш давлат сиёсатининг асосий вазибаларидан бири ҳисобланади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида оила асосларини янада мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланган. “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурида ҳам хотин-қизлар ҳуқуқлари ва оилалар фаровонлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Муаллифлар – фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро суди раиси Шерзод Ражабов ва шу суднинг судьяси Тимур Тўребековларнинг яқинда нашрдан чиққан мазкур қўлланмаси ана шу дастурий ҳужжатлар талабларидан келиб чиқиб тайёрланган.

Тадбирда муаллифлар оилавий низолар бўйича даъволарга қўйиладиган умумий талабларга алоҳида тўхталгани айтиб ўтилди. Шунингдек, қўлланмада “Оилавий низолар бўйича даъво иш юритуви”, “Даъво мазмуни”, “Даъво предмети”, “Даъво асоси” каби ҳуқуқий тушунчаларга содда ва тушунарли тилда изоҳ берилгани таъкидланди.

Ҳақиқатан ҳам, судга мурожаат қилгач, даъвогар унинг талаби қаноатлантирилишини кутади. Шундай экан, бундай талабни нафақат фактларга, балки биринчи навбатда қонуннинг тегишли нормасига асослаш керак бўлади. Нега деганда, Қонунга асосланган талабнигина ҳимоя қилиш мумкин.

Айни чоғда, бу юридик фактлардан ташқари, даъвонинг ҳуқуқий асосини ташкил

қилувчи моддий-ҳуқуқий меъёрни белгилаш талаб этилади. Шу нуқтаи назардан, муаллифлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 149-моддасида бошқа тоифадаги даъво аризалар каби оилавий низолар бўйича даъво аризаларга қўйиладиган талаблар хусусида кенг тушунча берилган.

Қўлланмада оилавий низолар бўйича турли мазмундаги даъво аризаларининг намуналари ҳам тақдим этилган. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлда қабул қилинган “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарори матни илова қилинган.

Судлар томонидан никоҳдан ажратишга доир ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланилиши шунинг кўрсаткичи, судлар оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни асосан тўғри ҳал этмоқда. Айни пайтда мазкур тоифага оид ишларни кўришда суд амалиётида никоҳнинг тугатилиши, уни ҳақиқий эмас деб топиш, шунингдек, иқтисодиёт эркинлашуви шароитида эр-хотин мулкий муносабатларини тартибга солувчи қонунчиликни қўллаш билан боғлиқ масалалар ҳам келиб чиқмоқда. Ушбу қўлланмадан фуқаролар шу каби барча ҳолатларда ўзларининг бузилган ҳуқуқларини суд йўли билан ҳимоя қилишда фойдаланишлари мумкин.

Ушбу қўлланмадан фуқаролар бузилган ҳуқуқларини суд йўли билан ҳимоя қилишда фойдаланишлари мумкин бўлиб, бу қўлланма фуқароларимиз кўп мурожаат қиладиган Президент халқ қабулхоналари, маҳалла фуқаролар йиғини идоралари ва бошқа идораларнинг фуқаролар қабулхоналарига тарқатиш белгилаб олинди. Келгусида ҳам бу ишлар давом эттирилиб, ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган фуқаролар учун судга мурожаат қилишдаги даъво ариза (ариза, шикоят) намуналари ва илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати амалий қўлланмалар шаклида ишлаб чиқилади.

Зиёда РАСУЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИГА КЕЛУВЧИЛАР БИР ЯРИМ МИЛЛИОНДАН ОШДИ

18 май – Халқаро музейлар кунини муносабати билан пойтахтимиздаги барча музейларда маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.

Марказий Осиёдаги йирик илмий-маърифий муассасалардан ҳисобланган Ўзбекистон тарихи давлат музейи фондида 270 мингдан зиёд экспонат сақланаётган. Улар орасида археология бўйича бой коллекциялар, нумизматика, этнография, нодир буюмлар, янги ва энг янги тарих даври ҳужжатлари архиви ва нобб нашрлар сақланувчи илмий кутубхона бор. Музейда меҳмонлар учун экскурсиялар, маърузалар ва тадбирлар ташкил этилмоқда.

Халқаро музейлар кунини давомлатишда бу маскан янада гавжум бўлди. “Музей – тарих кўзгуси” деб номланган тадбирга пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари, талабалар, ўқувчи-ёшлар таклиф қилинди. Бино ичида “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, Республика “Хунарманд” уюшмаси, Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ҳамда бошқа муассаса ва ташкилотлар билан ҳамкорликда китоблар, тасвирий санъат, миллий хунармандлик кўргазмалари намойиш этилди.

Музей экспозицияси бўйлаб саёхатларда Ўзбекистон ҳудудида тош, бронза даврлари, давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши, фан ва маданиятнинг ривожланишига оид нодир экспонатлар ҳақидаги қизиқарли маълумотлар тақдим этилди.

Тадбир доирасида “Мўъжизалар оламида” деб номланган болалар бўлимида Тошкент шаҳрининг “Баркамол авлод” болалар ижодиёт маркази билан ҳамкорликда маҳорат дарслари ўтказилди. Уларда Юнусобод туманидаги 43-умумтаълим мактабининг 3-синф ўқувчиси Шаҳноза Жаббаровалар ўнлаб иқтидорли болалар тенгдошларига мунчоқли безак тайёрлаш, ёғоч ўймакорлиги, қулолчилик, қўғирчоқсозлиқ, тўқувчилик сир-асрорларини ўргатди.

– Музейларимиз фондларида сақланаётган халқимизнинг бой тарихи, мустақиллигимиз одимларини акс эттирувчи нобб экспонатларни асраб-авайлаш, ўрганиш, бойитиб бориш, дунёга олиб чиқиш ва тарғиб қилиш бўйича давлатимиз томонидан изчил ишлар амалга оширилмоқда, – дейди Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори, тарих фанлари доктори Жаннат Исмоилова. – Бунинг самарасида Ўзбекистон музейларининг жаҳон миқёсида нуфузи ошиб бормоқда. Ўтган йиллар давомида музейимизга келган меҳмонларни таҳлил қилганимизда, уларнинг етмиш фоизидан ёшлар эканлиги аниқланди. Бу бугун музейлар ёшларни маданий, тарихий, ўтмиш, илм-фан ёдгорликлари, халқимизнинг турмуш тарзи ва анъаналари, санъат асарлари билан таништириш, уларда ватанпарварлик туйғусини юксалтиришга хизмат қилаётганидан далолатдир.

Халқаро музейлар кунини Ўзбекистон тарихи давлат музейига мустақиллик йилларида келганларнинг сони 1,5 миллионга етди. Музейнинг бир ярим миллионинчи меҳмони Қибрай туманидаги 17-умумтаълим мактаби 5-синф ўқувчиси Ширин Шайдолиева бўлди.

Тадбирда ёзувчи ва шоирлар, пойтахтимиздаги маданий марказлар фольклор жамоалари, санъаткорлар қишлоқ килди.

Малоҳат ХУСАНОВА,
ЎЗА муҳбири

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

ОИЛА – ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

Оила – жамият пойдевори. Мустаҳкам пойдевор эса жамиятнинг барқарорлиги, осоишталиги, давлатнинг келажагини таъминлайди.



Дарҳақиқат, юртимиздаги ҳар бир оила жамиятнинг ўзаги ва негизини ташкил этади. У ҳар бир халқ, миллиятнинг бардавомлигини сақловчи, миллий қадриятлар ривожини таъминловчи, авлодлар ўртасидаги риштан мустаҳкамловчи, маънавий етук, ахлоқан пок, руҳан соғлом ва жисмонан баркамол авлодни тарбияловчи инсонлардан таркиб топган иттифоқдир.

Халқаро оила кунини нишонланган кунларда Сергели туманида янги, замонавий типда, аҳолига янада намунали хизмат кўрсатиш мақсадида қад рўстлаган ФХДЭ идорасининг тантанали очилиш маросимида юқоридаги фикрлар айтиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, шаҳар Адлия бошқармаси, туман ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилув-

чи органлар, фуқаролик жамияти институтлари ходимлари, энг ибратли оила вакиллари, пиру бадавлат отахону онахонлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган ушбу тадбирда сўз олган Адлия вазирлигининг Нотариат, адвокатура ва ФХДЭ органлари бошқармаси бошлиғи Д.Якубова, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи А.Сафаров ва бошқалар давлатимиз томонидан халқ фаровонлиги, оилаларнинг бу ҳаётдан рози бўлиб яшашлари йўлида катта имкониятлар яратилаётгани, жамиятдаги юксак нуфузи, эътибори ва аҳамияти боис ҳам оилага Асосий Қонунимизда алоҳида боб ажратилгани, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига шарқона қадриятлар, қон-қариндошчилик, ота-оналарга меҳр-оқибат, фарзандлик бурчи, авлодлар

тарбияси учун катталар зиммасига юклатилган мажбурият ва вазибалар ўзининг ҳуқуқий ақсини тоғланлигини таъкидлаган ҳолда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурида белгиланган устувор вазибалар ижроси бўйича жойларда амалга оширилаётган ишлар бўйича маълумот бериб ўтдилар.

– Бугунги кунда Адлия вазирлиги тизимидаги ФХДЭ – фуқаролик ҳолати даволатномаларини ёзиш органлари зиммасига юклатилган вазибалар кўлами ниҳоятда кенг. Бу идораларда фуқароларнинг туғилиши, никоҳ тузиши, никоҳдан ажралиши, вафот этганлик ҳолатлари қайд этилади, – дейди Сергели тумани ФХДЭ бўлими мудираси Умида Жалилова. – Шунингдек, фарзандликка олиш, оталиқни белгилаш, фамилия, исм

ва ота исмини, жинсини ўзгартириш бўйича ҳам фуқаролик даволатномаларига тегишли ўзгартиришлар киритилади. Шу билан бирга аҳоли, айниқса, ёшлар орасида ҳуқуқий саводхонлик ва ҳуқуқий маданиятни ошириш бўйича кенг кўламли тадбирларни ўтказиш ҳам ФХДЭ органлари олдидаги муҳим вазибалардан. Шундан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда ФХДЭ бўлимлари қошида “Еш оила қурувчилар” мактаблари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, ўқув машғулотида турли соҳа ходимлари ёшларга оиланинг – муқаддас гўша эканлиги, фарзанд тарбияси, мустақиллик берган энг азиз неъмат – юртимизнинг тинчлиги, барқарорлигини сақлаш, бунинг учун эса, Ватанимиз таянчи бўлган маънавий етук оилани асраш, мустаҳкамлаш, ажримларнинг олдини олиш бўйича ҳаётий мисоллар орқали кенг тарғибот ишларини олиб борадилар. Бундан ташқари тиббий маданиятни юксалтириш, ёшлар ўртасида жиниятчиликнинг олдини олиш, диний экстремизм, гиёҳвандлик, одам савдосига қарши курашиш ҳамда фоҳишабозлик каби бизнинг менталитетимизга мутлақо ёт бўлган салбий иллатларга қарши имунитетини оширишга қаратилган маърузалар, семинар-тренинглар, кўргазмалар ҳуқуқий тарғиботлар билан бир қаторда ёшларга тушунарли, халқчил тилда тайёрланган буклетлар тарқатилмоқда.

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да ФХДЭ органлари ходимлари ўзларига бириктирилган маҳаллаларда аҳолига бепул ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатиш, уларнинг мурожаатларини ўрганиб чиқиб, жойида бартараф этиш ва ҳар томонлама кўмаклашиш каби ишларни амалга оширмоқдалар. Аҳолига юксак даражада хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар яратилган ҳолда фойдаланишга топширилган янги ФХДЭ биноси эса мана шундай хайрли мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА
Козим Ўлмасов олган суратлар

Реклама ва эълонлар

“Respublika mulk markazi” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Чилонзор туман суд ижрочилири бўлими томонидан, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 15.07.2016 йилдаги 10-1606/11778-сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 47-уй манзилида сақланаётган қўйидаги мол-мулкларни тақдоран қўйилмоқда: 1. “Дам” русумли, бошланғич баҳоси – 15 728 580 сўм, д/р 01/659ССА бўлган, 1999 йил и/ч, ранги оқ; 2. “Хондай Соната” русумли, бошланғич баҳоси – 36 478 917 сўм, д/р 01/492 RBA бўлган, 2006 йил и/ч, ранги оқ; 3. “Газ-3102” русумли, бошланғич баҳоси – 9 843 828 сўм, 75 тийин бўлган, 1999 йил и/ч, ранги оқ; 4. 44 турдаги товар моддий бойликлари, бошланғич баҳоси – 8 495 847 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 12 июнь соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишни охириги мuddати: 2017 йил 9 июнь соат 18:00. Авто-транспорт воситалари билан тегишли туман суд ижрочилири бўлими вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закатат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини ҳар бир мулк бўйича алоҳида тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда АИТБ “Ипак йўли банки” Сағбон филиалидаги х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закатат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишоннома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунчилигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Ариза қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-уй. Тел: 228-79-52. www.rtm.uz.

Гувоҳнома № 001805.

